

## НОТАРИАЛ ФАОЛИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Отабек ПИРМАТОВ**

доцент

Юридик фанлар доктори (DSc)

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

### Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нотариал соҳанинг ўрни ва аҳамияти ҳамда нотариал соҳанинг ривожланиш истикболлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** нотариат, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус, консуллик муассасалари, медиатор, Олий малака комиссияси.

## ПРАВОВАЯ ОСНОВА НОТАРИАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Отабек ПИРМАТОВ**

доцент

Доктор юридических наук (DSc)

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

### Аннотация

В данной статье описаны роль и значение нотариальной отрасли в защите прав и интересов человека в нашей стране, а также перспективы развития нотариальной отрасли.

**Ключевые слова:** нотариат, нотариус занимающийся частной практикой, консульские учреждения, медиатор, Высшая квалификационная комиссия.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир [1], деб белгиланган.

Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Бош қомусимизда кўрсатилган мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўринишларидан бири бу нотариатдир.

"Нотариат" атамаси латинча "notarius" ёзиб олувчи, котиб деган маъноларни англатади.

Нотариат тушунчасини тор ва кенг маънода талқин қилиш мумкин. Нотариат тушунчаси тор маънода Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат

тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра: Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институтдир [2].

Нотариал фаолият тартиб-таомиллари зохиран формал – бюрократик жараёнлар тарзида номоён бўлсада, аслида уларга катъий риоя қилиш кейинчалик вужудга келадиган низоларнинг олдини олишга хизмат қилади ҳамда ҳуқуқий демократик давлат белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади [4].

Шунингдек, нотариат тушунчасини кенг маънода ҳам англаш мумкин.

Биринчидан, нотариат фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида низосиз бўлган ҳуқуқ ва фактларни тасдиқловчи, гувоҳлик берувчи ҳужжатларни шаҳодатловчи, ҳужжатлардан кўчирмаларни тасдиқловчи, ҳужжатларга ижро хатларини берувчи ва бошқа нотариал ҳаракатларни амалга оширадиган органлар тизимидир. Бу тоифага нафақат давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, балки ушбу тизимга нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлган ижро ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари бошқа давлатлар ҳудудида нотариал ҳаракатларни амалга оширадилар. Айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи бош шифокорларга, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарларига, касалхоналар ва бошқа стационар муассасаларнинг навбатчи врачларига, шунингдек, қариялар ва ногиронлар уйлари мудирлари ва бош шифокорларига, ҳарбий қисмлар, кўшинлар командирларига берилган. Ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари нотариал ҳаракатларни яшаш жойида нотариус бўлмаган тақдирда ҳам амалга ошириши мумкин.

Иккинчидан, бу қонунчилик соҳаси бўлиб, унинг қоидалари нотариал ҳаракатларни амалга оширишни тартибга солади.

Учинчидан, нотариал фаолиятнинг мақсади фуқаролар ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам ва хизмат кўрсатишдан иборат.

Тўртинчидан, нотариал фаолият тушунчаларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясидир. Нотариал фаолият ўзида юридик хизматлар ва юридик ёрдам кўрсатишни қамраб олиш билан биргаликда, нотариат фуқаролик муомаласидаги қонунийликни назорат қилишни ҳам амалга оширади. Бундан кўринадики, нотариат ҳуқуқий низоларни кўриб чиқадиган фуқаролик ишлари бўйича суддан фарқ қилади ва келажакда фуқаролик ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга қаратилган функцияларни бажаради.

Бешинчидан, нотариал фаолият юридик хусусиятга эга бўлиб, унинг натижаси ҳуқуқий оқибатларга олиб келади (масалан, нотариал тасдиқланган ҳужжатлар юридик кучга эга бўлади).

Олтинчидан, нотариал фаолиятининг моҳияти фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг келажакда бузилишининг олдини олиш учун қонуний мустақамлашга хизмат қилади.

Нотариус давлат хизматчилари ёки давлат ташкилотлари ходимлари иерархиясига кирмасдан мустақил равишда давлат хизматларини амалга оширади.

Нотариал ҳаракатлар нотариус ва бевосита манфаатдор шахслар иштирокида, зарур ҳолларда эса нотариал ҳаракатни амалга оширишда ёрдам берувчи шахслар (таржимон, холислар) иштирокида амалга оширилади.

Нотариус ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги принципларга таянади:

1) мустақиллик. Нотариуснинг нотариал ҳаракатни ҳеч кимнинг кўрсатмасисиз, мустақил равишда амалга оширишида намоён бўлади;

2) холислик. Нотариус унга юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган томонларга тенг муносабатда бўлади, нотариус томонлардан бирортасига устунлик беришга ҳақли эмас. У ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий

манфаат ва манфаатларни, шунингдек, яқин қариндошларнинг манфаатларини кўзлай олмайди;

3) қонунийлик. Нотариус ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига амал қилади;

4) махфийлик. Нотариус нотариал ҳаракатларни амала ошириш жараёнида ўзига маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши шарт. Нотариус ҳамда нотариал идорада ишловчи шахслар (нотариус стажёри, таржимон ва бошқ.) ўз хизмат вазифаларини бажараётганда ўзларига маълум бўлиб қолган ахборотларни ёки ҳужжатларни ошкор қилиши тақиқланади. Улар ишдан бўшаган ёки ишдан бўшатишган ҳолларда ҳам нотариал ҳаракатларга оид маълумотларни сир сақлашлари шарт.

Нотариал ҳаракатларнинг сир сақланиши нотариал органга бўлган ишончни оширади, чунки махфий маълумотларни ошкор қилиш, масалан, васиятномалар, битимлар, меросдан воз кечиш жиддий ҳуқуқий оқибатларга хусусан, турли фуқаролик низоларига олиб келиши мумкин.

Бироқ амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органлари юритувида бўлган ишлар муносабати билан уларнинг талабига биноан берилиши мумкин.

Нотариуслар томонидан шунингдек:

махсус ваколатли давлат органига – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар);

давлат солиқ хизмати органига – кўчмас мулк олди-сотди шартномаларини, мол-мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, шунингдек мерос ёки ҳадя тартибида

фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар;

ички ишлар органига – автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқи учун ишончномаларни, ушбу воситаларни бошқа шахсга ўтказиш, ижарага бериш, улардан текин фойдаланиш, уларнинг гаров, лизинг шартномаларини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотномалар;

қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларига – бошқа шахсга ўтказилаётган кўчмас мулкнинг кадастр рақами тўғрисидаги ва олувчи ҳақидаги маълумотлар;

кредит бюросига унинг сўровига кўра – битим предмети бўлган объектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки ушбу объектга нисбатан хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар);

риэлторлик ташкилотига унинг сўровига кўра – битим предмети бўлган кўчмас мулк объектини бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки ушбу объектга нисбатан хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар);

манфаатдор шахсларга васият қилувчининг вафотидан кейин – васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши мақсадида унинг сўровига кўра тақдим этилиши мумкин.

Нотариал сирни ошкор қилганлик учун нотариус (бошқа мансабдор шахслар) қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус тўлиқ мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олади ва манфаатдор шахсларга зарарни қоплашга мажбурдир.

Нотариал сирни сақлаш қоидаларини бузганлик учун давлат нотариал идораси нотариуси ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида нотариус нотариал ҳаракатларни амалга ошириш орқали малакали юридик ёрдам кўрсатиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий институтдир.

Хусусий ва давлат нотариуслари нотариал фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Улар томонидан тузилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга. Нотариал фаолият тадбиркорлик фаолияти эмас.

Йигирма беш ёшга тўлган, олий юридик маълумотга эга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган, нотариал идорада камида бир йил муддат стажировка ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин.

Нотариус қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ўзига мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш;

2) битимлар, гувоҳномалар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини тузиш;

3) ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлаш;

4) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

5) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ сўраш;

6) илмий, педагогик ва ижодий фаолият билан шуғулланиш;

*Нотариус фаолиятида қуйидаги чекловлар мавжуд:*

1) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

2) шартнома тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишда воситачилик хизматларини кўрсатиш;

3) вакиллик органи депутати этиб сайланган тақдирда нотариуснинг вазифаларини бажариш;

4) хусусий нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузмасдан ўз вазифаларини бажариш;

5) факсимилдан фойдаланиш ва муҳрни, электрон рақамли имзони бошқа шахсга топшириш, нотариус муҳрни ҳудудий адлия органига лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддатига топшириши бундан мустасно;

6) рўйхатдан ўтган жойдан ташқарида фаолият юритиши, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

*Нотариус қуйидаги мажбуриятларга эга:*

1) Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг нотариат фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш;

2) фуқаролар ва юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, ҳуқуқий билимсизликдан уларнинг зарарига фойдаланиш мумкин бўлмаслиги учун нотариал ҳаракатлар оқибатлари ҳақида огоҳлантириш;

3) ўз касбий фаолиятини амалга ошириш муносабати билан ўзига маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши;

4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бўлмаса, уни рад этиш;

5) касбий этикага риоя қилиш;

6) ўз хатти-ҳаракатлари юзасидан адлия органларига ва (ёки) нотариал палатага берилган шикоятларга жавобан амалга оширилган нотариал ҳаракат тўғрисидаги маълумотларни, бошқа ҳужжатларни, зарур ҳолларда эса шахсий тушунтиришларни бериши лозим;

7) нотариал иш юритиш хужжатлари ва материаллари уч йил ўтгач Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивларга топширилиши керак.

Нотариус ўзининг фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), шунингдек нотариал идоранинг номи ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, штампларга ва шахсий бланкаларга эга бўлади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лицензиясининг рақами ва берилган серияси акс этган бўлади.

Нотариуснинг асосий вазифалари фуқароларнинг, давлат ва нодавлат муассасалари, ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мулкнинг барча шакллари ҳимоя қилиш, шартномалар ва бошқа битимларни олдиндан ва ўз вақтида тасдиқлаш, ижро хатларини ёзиш ва бошқалар орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. WWW.lex.uz.
2. Нотариат тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Бегичев А.В. Проблемы реализации правозащитной деятельности нотариата при обеспечении доказательств. – Москва: ВАКО, 2015. – 156 с.
4. Мамараимова Г. Нотариат: ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2018.